

Иқтисодий-хукуқий газета

НОРМА МАСЛАХАТЧИ

2005 йил июлдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
КАРОРИ

БОЛАЛИКДАН НОГИРОНЛАР ТУГИЛИШИННИГ ОЛДИНИ ОЛИШ УЧУН ТУФМА ВА ИРСИЙ КАСАЛЛИКЛАРНИ БАРВАҚТ АНИҚЛАШ ДАВЛАТ ДАСТУРИ ТҮГРИСИДА

«Ёшлар йили» Давлат дастурини бажариш юзасидан ҳамда оналар ва болалар соғлигини ҳар томонлама мустаҳкамлашни таъминлаш, соғлом авлод туғилиши ва тарбияланиши учун зарур шарт-шароитларни яратиш, ҳомиладор аёллар ва ҷаҳалоклар патологиясини барвақт аниқлаш давлат тизимини янада ривожлантириш, болалар ногиронлигини қисқартириш мақсадида:

1. 2008-2012 йиллар даврида ногирон болалар туғилишининг олдидини олиш учун түфма ва ирсий касалликларни барвақт аниқлаш давлат дастури 1-иловага мувофиқ тасдиқлансан.

Ўзбекистон Республикаси Соғлини сақлаш вазирилги «Соғлом авлод учун» ноҳукумат ҳалқаро хайрия жамғармаси билан биргаликда ушбу қарор билан тасдиқланган давлат дастури сифатли ва ўз вақтида рўёбга чиқарилишини амалий равишда мувофиқлаштириб, давлат бюджетидан ажратилган маблағлардан мақсадли фойдаланишини назорат қилиб боришини таъминласин.

2. Белгилансинки, давлат дастурида назарда тутилган тадбирларни молиялаштириш, 2-иловага мувофиқ, соғлини сақлаш муассасаларига ҳар йили ажратиладиган давлат бюджети маблағлари, шунингдек, «Соғлом авлод учун» ноҳукумат ҳалқаро хайрия жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

3. Мазкур давлат дастурини амалга ошириш доирасида, Вазирлар Махкамаси томонидан тасдиқланадиган рўйхатга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб келинадиган реагентлар, сарфлаш материаллари, шифобаҳш болалар таомлари, дори-дармонлар ва бошқа товарлар божхона тўловлари (божхона расмийлаштируви учун йигимлардан ташқари) тўлашдан озод қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирилги давлат дастурини амалга ошириш доирасида тузилган импорт контрактларининг белгиланган тартибда экспертизадан ўтказилишини таъминласин.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳоқимларни «Соғлом авлод учун» ноҳукумат ҳалқаро хайрия жамғармаси билан биргаликда давлат дастурини амалга оширишга ҳар томонлама ёрдам кўрсатсинар ва ривожланишида түфма нуқсонлари бўлган болалар туғилишининг олдини олиш ижтимоий жиҳатдан мухим аҳамиятга эга эканлиги түгрисида аҳоли ўртасида кенг тушунтириш ишларини ташкил килсинар.

5. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Баш вазирининг ўринбосарлари Р.С.Қосимов ва Ф.Ш.Акбарова зиммаларига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти
И.КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри,
2008 йил 18 июн.

ХЎЖАЛИК ЮРИТУВЧИ СУБЪЕКТЛАР ДИҚҚАТИГА!

«СБХ»нинг бугунги сонида 2008 йил июль ойида Назорат қилувчи органлар томонидан хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текшириш режа-жадвали эълон қилинмоқда.

Июн ойининг охиригача унга тузатишлар киритилиши мумкин. Бундай тузатишлар киритилганда улар ҳақидаги ахборот «СБХ»нинг кейинги, 2008 йил 11 июля чиқадиган 27-сонида эълон қилинади.

УШБУ
СОНДА

2-бет

Хорижий шахсга
офис сотиши қоидалари

\$1 = 1309,38 сўм

3-бет

Эксперт
маслаҳатлари

€1 = 2035,69

5-бет

Июль. Солик
тўловчининг тақвими

£1 = 2565,60 сўм

6-бет

Низо хўжалик судида
ҳал этилди

¥10 = 122,49 сўм



press
www.interpress.uz

1845

INTER-PRESS
АҲВОРОТ АГЕНТЛИГИ

Bella Terra • Baby Terra • Jannat Makon • 7 днен • Burda • Cosmopolitan • Forbes • Домовой • Glamour • OOPS! • Автомир

Аргументы и Факты • Verena • Вокруг света Вокруг смеха • Все звезды • За рулем • Здоровье • Итоги

• Караван Историй • Клаксон • Коммерсантъ • Крестьянка • Лиза • Огонек • Отдохни! • Совершенно секретно

ОБУНА-2008
ГАЗЕТАЛАР, ЖУРНАЛЛАР, КИТОВЛАР

тел./факс:
(99897)

119-0000
155-0955
Тошкент ш., Навоий кўч., 13

СОЛИҚЛАР БУХГАЛТЕРИЯ ХУКУК

«СБХ» газетаси билан биргаликда тарқатилади.

Қонун чиқарувчилар низмалар устида ишлашмоқда

кистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгариши ва қўшимча киритиш тўғрисида» (биринчи ўқиш);

• «Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 85-моддасига ўзгаришлар киритиш тўғрисида» (биринчи ўқиш);

• «Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар ўртасида 2002 йил 7 июня Сант-Петербург шаҳрида (Россия Федерацияси) имзоланган Минтақавий аксильтерор тузилмаси тўғрисидаги битимга ўзгаришлар киритиш ҳақидаги Баённомани (Бишкек, 2007 йил 16 августан) ратификация қилиш тўғрисида» (биринчи, иккичи ва учинчи ўқиш);

• «Ўзбекистон Республикаси ҳукумати билан бирлашган Араб Амирликлари ҳукумати ўртасида ушган жиноятчилик, терроризм ва жиноятчиликнинг бошқа хавфли турларига қарши кураш соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги Битимни (Абу Даби, 2008 йил 17 марта) ратификация қилиш ҳақида» (биринчи, иккичи ва учинчи ўқиш).

ИШЛАБ ЧИҚАРИШДАГИ БАХТСИЗ ҲОДИСАЛАР

Парламентнинг қуий палатаси томонидан иккичи ўқишида кўриб қиилган «Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларидан мажбурий давлат ижтимоий суғуртаси тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ҳодимлар ва уларнинг оиласлари соғлиги ва ҳаётига етказилган зарарни қоплашнинг қонуний кафолатларини тартибига келтиришга қаратилган. Шуни тан олиш керакки, ушбу лойиҳа маълум даражада ўзига хос бўлди: ижтимоий тўловлар учун жавобгар бўлган Пенсия жамғармасининг одатий вазифалари Ўзбекистон Республикасида суғурта фаолиятини тартибига соладиган қонунлар мажмуми тушунчаларида ёритиб берилган.

Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофиза қилиш вазирилги маълумотларига кўра мажбурий давлат ижтимоий суғуртаси умумий молиявий харажатлар бизда йилига ўртacha 399 млрд сўмни, шу жумладан давлат суғуртаси маблағлари ҳисобига - 347 млрд сўмдан кўпни ва иш берувчilar маблағлари 51,5 млрд сўмни ташкил этади. Лекин қатор ҳолатлар сабабли (ушбу соҳада ҳуқуқий меҳанизмларнинг такомиллашмаганилиги, тартиби солинмаганилиги, корхоналарнинг қийин молиявий ҳолатлари, меҳнат муносабатлари иштирокчиларининг ҳуқуқий саводсизлиги, бандлукнинг нон-қонуний кўринишлари – «оғзаки келишув бўйича вақтингча», меҳнат шартномаси тузмаган ҳолда ишлашнинг амалда қулланиши ва шу кабилар) заарни қоплаш маблағлари ҳақиқатда: а) обьектив зарар кўрганларнинг ҳаммасига ҳам; б) тўлиқ меъёрда; в) ҳар доим ҳам ўз вақтида тўланмайди.

Ушбу қонун бизга нима бериши кепа? Биринчى навбатда – Фуқаролик ва Меҳнат кодеслари, «Меҳнатни муҳофоза қилиш тўғрисида»ги Қонун, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирилги хузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси тўғрисидаги низом ва шу кабиларнинг ушбу нуқтаи назардан мухим аҳамиятга эга эканлиги тўғрисида аҳоли ўртасида кенг тушунтириш ишларини ташкил килсинар.

5. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Баш вазирининг ўринбосарлари Р.С.Қосимов ва Ф.Ш.Акбарова зиммаларига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти
И.КАРИМОВ.**

нинг профессионал иштирокчилари тўғрисидаги низомнинг 7-банди¹) «суғурталовчилар» – тегишли турдаги суғуртани амалга ошириш учун лицензияга эга бўлган ва суғурта шартномасига мувофиқ суғурта товони (суғурта пули) тўловини амалга ошириш мажбуриятини олувчи тижорат ташкилоти демакдир. Ушбу ташкилотларни лицензиялаш уларнинг устав капиталига бўлган тамоман аниқ талабларни назарда тутади: мажбурий суғурталаш бўйича у камида 1000 минг АҚШ долларига тенг бўлган суммни, ҳаётни суғурталаш бўйича эса камида 750 минг АҚШ долларига тенг бўлган суммни ташкил этиши керак². Бунда устав капиталини шакллантиришда «жалб этилган бошқа маблағлар»дан фойдаланишга йўл кўйилмайди³, бошқаларига эса Пенсия жамғармаси эга эмас.

Шу билан бир қаторда қонун чиқариш техникаси муайян қонун хужжати доирасида ўзининг, тўғридан-тўғри бошқа қонуларда қўлланимайдиган тушунчалар тизимини қўллаш имконини берадиган аниқ регламентлари ва қоидаларини ишлаб чиқиша турти бериши керак.

Қонун чиқарувчилар қонун лойиҳасини иккичи ўқишида кўриб қишида амалиётда бўлиши мумкин бўлган низоли ҳолатларнинг олдини олиш учун ушбу қонуннинг келгусида амал қилиш чегараларини иложи борича аниқ белгилаб олишга ҳаракат қилдилар. Масалан, ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодиса ишлаб чиқариш билан боғлик бўлиши ва боғлик бўлмаслиги, ходим томонидан ўз касбий мажбурияtlарини бажаришига ва корхонада меҳнатни муҳофоза қилишни ташкил этиш тизимига алоқадор бўлиши ёки бўлмаслиги мумкин. Ходимларнинг хизмат транспортида ёки корхонага тегишли бўлмаган транспортда (транспорт корхонаси билан тузилган шартномага кўра) ишга кетишида ва ишдан қайтишида жароҳат олишлари тўғрисидаги масала қизғин баҳсларга сабаб бўлди. Кўпчилик депутатларнинг фикрича, ходимнинг суғурта товонини олиш ҳуқуқини сақлаб қолиши ёки ушбу ҳуқуқини йўқотишини белгилаб берадиган шартларнинг қаттий ўрнатилиши муайян аҳамиятга эгадир.

Лекин, Пенсия жамғармасига қайтидан бўлсак... қонун лойиҳасида устиди ишлаш давом этмоқда, унга ҳар томонлама ишлов берилмоқда, охирги қўриниши қандай бўлишини олдиндан айтиш ҳозирча қийин. У нафақат бахтсиз ҳодисалар бўйича суғурта тўловларини тўлаш масалаларини тартибига солиши, балки, озгина бўлса-да, жароҳатланишнинг олдини олиш борасида огоҳлантирувчи тадбирларни амалга оширишини рағбатлантириш тусига эга бўлишини хоҳлардик.

**Юлия ЯШИНА,
максус мухбири миз.**

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 10 апрелдаги ПФ-618-сон «Суғурта хизматлари бозорини янада ислоҳ қилиш ва ривожланиши чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига 2-сон илова.

²Суғурта бозорининг профессионал иштирокчилари тўғрисидаги низомнинг 10-банди.

³Суғурта бозорининг профессионал иштирокчилари тўғрисидаги низомнинг 9-банди.

ХОРИЖИЙ ШАХС ОФИС СОТИБ ОЛАДИ

- Ўзбекистонда яшайдиган, аккредитацияланган чет эл фуқароси томонидан;
– аккредитацияга эга бўлмаган чет эл фуқароси томонидан бинони оғис учун харид қилиш тартиби қандай?

А.Юсупов.



– Ўзбекистон Республикасининг қонун хужжатларида бинолар ва иншоотларни чет эл фуқароларига, улар аккредитацияланганлиги ёки аккредитацияланмаганинидан қатъи назар, сотишни тақиқлайдиган мөъёр мавжуд эмас.

Чет эл фуқароси Республика кўчмас мулк биржаси савдоларида давлат ҳамда юридик, жисмоний шахслар томонидан кўйилган биноларни сотиб олиши мумкин. Биржа савдоларини ўтказиш тартиби Республика кўчмас мулк биржасида аукцион савдоларини ўтказиш тартиби тўғрисида низом (ДМКнинг АВ томонидан 2005 йил 9 апрелда 1467-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарори билан тасдиқланган) билан белгиланган.

Бинони давлат мулки қўмитаси, бошка вазирликлар ва идоралар, акциядорлик жамиятлари ва корхоналар ўтказадиган биржадан ташқари савдоларда ҳам харид қилиш мумкин. Ушбу савдолар тартиби Ташкилластирилган биржадан ташқари савдоларда кўчмас мулк объектларини сотиш тартиби тўғрисида низом (ДМК, ИВ ва Монополиядан чиқариш давлат қўмитасининг АВ томонидан 2006 йил 14 ноябрда 1640-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарори билан тасдиқланган) билан белгиланган.

Ниҳоят уни юридик ва жисмоний шахслардан гезаталар ва маҳсус журнallардаги эълонлар бўйича сотиб олиш мумкин.

Ҳар қандай ҳолда бино ва иншоотларни харид қилиш нотариал идоралар томонидан

тасдиқланадиган олди-сотди шартномаси билан расмийлаштирилади.

Ўзбекистон қонун хужжатларида ер участкаларини юридик ва жисмоний шахсларнинг мулки сифатида реализация қилиш назарда тутилмаган. Бироқ Ер кодексининг 22-моддасида белгиланишича, бино харид қилинаётганида харидорга сотовчиди бўлган ер участкасига хуқук ҳам ўтади. Агар юридик ёки жисмоний шахс қурилиши учун ер участкаси ажратилган бинони харид қилса, унга бутун ер участкасига хуқук ўтади. Агар ер участкасида бир неча бино мавжуд бўлса, юридик ёки жисмоний шахс эса фақат битта бинони харид қилса, янги мулкдорга унда жойлашган корхона, бино, иншоот ёки бошка кўчмас мулкнинг улушкига мутаносиб бўлган миқдорда ер участкаси қисмiga хуқук ўтади. Ер участкасини давлат кадастри ва ер тузиҳ хизмати органлари ажратадилар, бу туман ёки шаҳар ҳокимининг қарори билан тасдиқланади.

Фуқаролик кодексининг 84-моддасига мувофиқ кўчмас мулкка (ер участкаси, бино ва иншоотларга) эгалик хуқуқи ва бошка ашёвий хуқуқлар, бу хуқуқларнинг вужудга келиши бошка шахсларга ўтиши, чекланиши ва бекор бўлиши давлат рўйхатидан ўтказилиши керак. Бу билан вилоят марказлари ва Тошкент шаҳрида жойлашган ер тузиҳ, кўчмас мулкка хуқуқлар ва унинг кадастрини рўйхатдан ўтказиш хизматлари шугулланадилар. Хуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш учун материаллар ва хужжатларни тайёрлаш ишларини бажаришни ушбу хизматларга буютирган маъқул: улар кадастри ишини очиб, ер участкаси, бино ва иншоотларга хуқуқни давлат рўйхатидан ўтказиш гувоҳномасини берадилар. Улар бино ва ер участкасида хуқук вужудга келганини тасдиқлайдиган хужжатларни, мазкур ҳолда нотариал тасдиқланган бинонинг олди-сотди шартномаси ҳамда туман ёки шаҳар ҳокимининг ер участкаси бир қисмiga хуқуқнинг ўтиши тўғрисида қарорини тақдим этадилар.

Хорижий юридик ва жисмоний шахслар (норезидентлар) Ўзбекистонда нотурар жойлар ва ер участкаларини харид қилишлари мумкини? Агар мумкин бўлса, нотурар жой обьектлари ва ер участкаларига мулк ҳуқуқи ўтишини Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасининг бошқармасида лозим даражада рўйхатдан ўтказиш учун қандай хужжатлар зарур?

Б.Аҳмаджонов.



– Ўзбекистон Республикасининг қонун хужжатларида бинолар ва иншоотларни чет эл фуқароларига сотиш тақиқланмаган. Аксинча, хорижий инвестицияларни республика иқтисадиётiga жалб этиш учун кулагай шарт-шароитлар яратадиган бир қатор хукумат қарорлари қабул қилинган. Шу сабабли исталган хорижий юридик ёки жисмоний шахс давлатдан айрим корхоналар ёки обьектларни хусусийлаштириб олиши мумкин. Чунончи, давлат мулки бўлган обьектларни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тартиби тўғрисида низомда (Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 21 июнда 145-сон қарори билан тасдиқланган) белгиланишича, хусусийлаштириш, хусусан, давлат мулки бўлган обьектларни жисмоний ва нодавлат юридик шахсларга, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси норезидентларига, биржадан ташқари савдоларда қонунда назарда тутилган тартиби сотиш ўйли билан амалга оширилиши мумкин.

Хорижий юридик ва жисмоний шахслар нотурар жойларни бошка юридик ва жисмоний шахслардан ҳам харид қилишлари мумкин. Масалан, Тошкент шаҳрида оғис ташкил этиш учун фуқаролардан кўп қаватли ўларнинг биринчи қаватларидағи квартиralарни харид қилиб, кейинчалик уларни нотурар жойларга ўтказиш кенг қўлланилади.

Бинолар ва иншоотларга хуқуқни давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби Бинолар ва ин-

шоотлар давлат кадастрини юритиш тартиби тўғрисида низом (Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 2 июнда 278-сон қарори билан тасдиқланган), ер участкалари га хуқуқлар – давлат ер кадастрини юритиш тартиби тўғрисида низом (Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 31 декабрдаги 543-сон қарори билан тасдиқланган), шунингдек Бино ва иншоотларни давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби тўғрисида йўриқнома (АВ томонидан 1998 йил 7 январда 387-сон билан рўйхатдан ўтказилган) ҳамда Ўзбекистон Республикасида ер участкаларига бўлган хуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби тўғрисида йўриқнома (АВ томонидан 1999 йил 27 майда 736-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан тартибига солинади.

Ҳарид қилинган бинога ўз хуқуқларини рўйхатдан ўтказишдан аввал фуқаро юридик шахс ташкил этиш ёки якка тартибдаги тадбиркор сифатида фаолият юритишни олдиндан белгилаб олиши мақбулdir. Агар у юридик шахсни ташкил этса, ушбу юридик шахсга хујатларни расмийлаштириб, унинг устав фондига харид қилинган бинони бериши лозим.

Республикада кўчмас мулкка хуқуқларни рўйхатдан ўтказиш билан вилоят марказлари ва Тошкент шаҳридаги ер ресурслари ва давлат кадастри бўйича бошқармалар таркибида ташкил этилган ер тузиҳ, кўчмас мулкни рўйхатдан ўтказиш ва унинг кадастри хизматлари шугулланадилар. Уларга хуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш учун материаллар ва хужжатларни тайёрлаш ишларини бажариши буютириши мумкин: улар кадастри ишини очадилар ҳамда ер участкаси, бино ва иншоотларга хуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш ва унинг кадастри хизматлари шугулланадилар. Бунинг учун уларга бино ва ер участкасида хуқук вужудга келганини тасдиқлайдиган хужжатлар, мазкур ҳолда нотариал тасдиқланган бинонинг олди-сотди шартномаси ва туман ёки шаҳар ҳокимининг ўтиши тўғрисидаги қарорини тақдим этиш керак.

Жавобларни Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси ер кадастри бўлимининг бош мутахассиси Арзет ЛАТИПОВ тайёрлади.

ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАЛАРНИНГ СУМГА НИСБАТАН ҚИЙМАТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2008 йил 17 июндан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошка ҳисоботларни юритиш, шунингдек божхона ва бошка мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан кўйидаги қийматини белгилайди:^{*}

1 Австралия доллари	1239,46	1 Польша злотийси	601,41
1 Англия фунт стерлинги	2565,60	1 СДР	2120,07
1 Данія кронаси	272,99	1 Туркия лираси	1045,83
1 БАА дирҳами	356,51	1 Швейцария франки	1265,96
1 АҚШ доллари	1309,38	1 ЕВРО	2035,69
1 Миср фунти	245,46	10 Жанубий Корея вони	12,70
1 Исландия кронаси	16,98	10 Япония иенаси	122,49
1 Канада доллари	1281,32	1 Россия рубли	55,46
1 Хитой юани	189,36	1 Украина гривнаси	269,88
1 Малайзия ринггити	400,47		

* Валюта қийматини белгилаш чорига Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

МДХ ВА БОЛТИҚБҮЙИ МАМЛАКАТЛАРИ ВАЛЮТАЛАРИННИГ АҚШ ДОЛЛАРИ, ЕВРО ВА РОССИЯ РУБЛИГА НИСБАТАН КУРСЛАРИ

Мамлакат	Сана	АҚШ доллари		Евро		Россия рубли	
		бирлиги	курси	бирлиги	курси	бирлиги	курси
Озарбайжон	18.06.2008	1	0,8177	1	1,2677	1	0,0346
Арманистон	17.06.2008	1	305,34	1	472,55	1	12,9
Беларусь	19.06.2008	1	2127,00	1	3297,91	1	89,9
Грузия	18.06.2008	1	1,427	1	2,2128	1	0,0604
Қозогистон	19.06.2008	1	120,63	1	186,84	1	5,1
Қирғизистон	14.06.2008	1	36,1493	1	55,688	1	1,5269
Латвия	19.06.2008	1	0,454	1	0,702804	1	0,0192
Литва	19.06.2008	1	2,2264	1	3,4528	10	9,4127
Молдавия	18.06.2008	1	10,033	1	15,5521	1	0,4241
Тоҷикистон	18.06.2008	1	3,4288	1	5,3006	10	1,4504
Ўзбекистон	17.06.2008	1	1309,38	1	2035,69	1	55,46
Украина	18.06.2008	100	485,43	100	751,3	10	2,0534
Эстония	18.06.2008	1	10,1047	1	15,6466	1	0,426971

Манба: www.prime-tass.ru

✓ УСТУВОРЛИКЛАР

– Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Болаликдан ногиронлар туғилиши»нинг олдини олиш учун тумга ва ирсий касалликларни барвақт аниқлаш давлат дастури тўғрисидағи қарори

– Ишлаб чиқаришдаги баҳтсиз ҳодисалар

1-бет

✓ БИЗНЕС МАСЛАХАТЛАР

– Хорижий шахс оғис сотиб олади
– Ижарачимиз бизнинг ҳодим эмас
– Компенсацияни маҳсус ҳисобваракда тўпланг
– Валюталар курси

2-3-бетлар

✓ БУХГАЛТЕРГА ЁРДАМ

ИЖАРАЧИМИЗ БИЗНИНГ ХОДИМ ЭМАС

? Резидент фирмамиз бизнинг ходим ҳисобланмаган жисмоний шахсдан хонани қиска муддатли ижара шартномаси бўйича ижарага олган. Тўловларни чорак учун олдиндан жисмоний шахснинг омонат ҳисобварагига қайд этамиш. Янги Солик кодексининг қабул қилиниши муносабати билан қўйидаги масалалар бўйича тушунтириш берсангиз:

Биз даромад солигини ҳисоблаш ва тўлаш бўйича ижарачи жисмоний шахснинг солик агенти ҳисобланамизим?

Агар ҳисоблансан, ижарага берувчи жисмоний шахсга ижара ҳақини тўлашдан аввал ижара ҳақидан даромад солиги ва ШЖБПХга ажратмани ушлашимиз керакми?

Амалдаги қонун ҳужжатларида шартномаларнинг 3 тури назарда тутилган: а) меҳнат шартномаси (асосий иш жойи); б) фуқаролик-хукукий тусдаги шартнома (муайян ишларни бажаришга); в) меҳнат шартномаси (ўриндошлик бўйича). Ижарачи биз билан уларнинг бирортасини ҳам тузмаган. Агар биз даромад солигини ушлашимиз керак бўлса, уни қандай ҳисоблаймиз?

Агар ҳисобланман ва ушланмаларни амалга оширсан, ушбу суммаларни «Ҳисобланган ва амалда тўланган даромадлар суммалари ҳамда жисмоний шахслардан олинадиган даромад солигининг ушлаб қолинган суммалари тўғрисида маълумотлар» ҳисоботининг қайси сатрида кўрсатишимиш керак?

Ходимимиз бўлмаган, биз ижара ҳақи тўйайдиган жисмоний шахснинг даромадлари тўғрисида ҳар йилги декларацияни тақдим этишимиз керакми?

Ха, солик агенти ҳисобланасиз. Солик кодексининг 184-моддасига мувофиқ юридик шахс зиммасига жисмоний шахсларнинг даромадларига солинадиган соликини тўлов манбаиди ҳисоблаб чиқариш, ушлаб қолиш ва тўлаш мажбурияти юкланди. Бунда шуни таъкидлашни хоҳлардикки, сиз жисмоний шахс билан тузган қиска муддатли ижара шартномаси фуқаролик-хукукий тусдаги шартноманинг бир тури ҳисобланади.

Юкорида кўрсатилган мoddанинг 6-бандига кўра жисмоний шахсларнинг мол-муллик юридик шахсга ижарага беришдан оладиган даромадларига тўлов манбаиди солик солиниши керак.

Даромадлардан ҳисобланган солик суммасини ушлаб қолиш улар жисмоний шахсга ёки унинг топширигига кўра учинчи шахсларга ҳақиқатда тўлаш чоғига ёки бошқа юридик шахслардан даромадларни тўлаш манбаиди жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиги суммасини ҳисоблаб чиқариш жами даромад суммасидан, солик тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган имтиёзларни кўлламасдан, йил бошидан ўсиб борадиган якун билан белгиланган ставкалар бўйича уни ҳисоблаб ёзишининг боришига қараб амалга оширилиши керак.

Агар ижарага берувчи жисмоний шахс корхона бухгалтериясига тегишил ариза топшираси, жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиги энг юкори ставка бўйича ушланиши мумкин. Бу ҳолда у асосий бўлмаган иш жойидан олинган даромадлар тўғрисида декларация тақдим этмайди.

Агар жисмоний шахс якка тартибдаги тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтказилмаган бўлса, унинг даромадларидан ҳисоблаб чиқарилган солик суммаси қонун билан белгиланган тартибда ҳисобланади ШЖБПХга ойлик мажбурий бадаллар суммасига камайтирилди. Якка тартибдаги тадбиркорлар замғарб бориладиган пенсия тизимида ихтиёрий асосда иштирок этадилар.

«Ҳисобланган ва амалда тўланган даромадлар суммалари ҳамда жисмоний шахс-

лардан олинадиган даромад солигининг ушлаб қолинган суммалари тўғрисида маълумотлар» ҳисоботида (бундан кейин – Маълумотлар) жисмоний шахсга тўланадиган ижара ҳақи суммаси (даромад солиги ва ШЖБПХга бадаллар чегирilган ҳолда) 010-012-сатрларда, амалда тўланган сума 022-024-сатрларда акс эттирилиши керак. Жисмоний шахсларнинг даромадларига ҳисобланган солик суммаси (ШЖБПХга ажратмаларни чегирilган ҳолда) ва ШЖБПХга ўтказиладиган ойлик мажбурий бадаллар суммаси тегишинча ҳисоботнинг 019-021 ва 016-018-сатрларида акс эттирилади, даромад солиги ва ШЖБПХга ажратмаларнинг амалда ўтказилган суммалари эса тегишинча 028-030 ва 025-027-сатрлarda акс эттирилади. Ҳисобот даври охирида жисмоний шахсдан ижара ҳақи, бюджетга даромад солиги ва ШЖБПХга мажбурий ажратмаларни тўлаш бўйича қарз тегишинча ҳисоботнинг 031, 032 ва 034-сатрларида акс эттирилади.

Маъкур суммаларни Маълумотларда кўрсатишдан ташки, фирмангиз молия йили тугаганидан кейин ўттиз кун ичада солик хизмати органларига жисмоний шахснинг асосий бўлмаган иш жойидан олган даромадлари тўғрисида маълумотнома тақдим этиши шарт.

Солик кодексининг 192-моддасига кўра, мол-мулкни ижарага беришдан даромад олаётган жисмоний шахс белгиланган тартибда даромадлар тўғрисидаги қўйидаги декларацияларни тақдим этади: дастлабки декларацияни – шундай даромадлар юзага келган кундан ўтиборан бир ой ўтгач, беш кунлик муддатда, агар ба даромадларга жисмоний шахслар даромадларига тўлов манбаиди солинадиган солик солинмаган бўлса;

якуний декларацияни – ўтган солик давридан кейнинг йилнинг 15 январига қадар.

Мол-мулкни ижарага беришдан даромадлар олиш тугаган тақдирда жисмоний шахс доимий яшаш жойидаги давлат солик хизмати органини ба ҳақда ёзма шаклда хабардор этади.

Тушунтириш «Norma Ekspert» гуруҳи эксперталари томонидан тайёрланди.

КОМПЕНСАЦИЯНИ МАХСУС ҲИСОБВАРАҚДА ТЎПЛАНГ

? Корхона ўзининг иккى собиқ ходимига ишлаб чиқаришдаги баҳтсиз ҳодиса муносабати билан етказилган зарарни қоплашга тўловларни амалга оширади. ТМЭКнинг сўнгги хулосаларига кўра тўловларни тўлаш муддатта эга эмас. Бироқ ходимларнинг бири Республика ташқарисига чиқиб, шаҳардан ҳисобдан чиқиб кетди, унинг яшаш жойи маълум эмас. Бошқа ходим, ҳисобда туришига қарамай, амалда кўрсатилган жойда яшамайди, унинг яшаш жойи ҳам маълум эмас. Кўрсатилган ходимлар зарарни қоплашга тўловларни уч йилдан ортиқ вақт давомида талаб қилмайди, ҳолбуки корхона уларни ҳисоблаб бормоқда.

Мазкур вазиятда корхона қандай йўл тутиши керак-лигини айтсангиз.

Корхона юристи.

– Конунчиликка мувофиқ юзага келган ушбу вазиятда корхона солик ходимларини қидиришига доир бирор-бир чора кўришига мажбур эмас. Агар бунга зарурат бўлса, у ички ишлар органларига мурожаат қилиши мумкин.

Бироқ шунга қарамай, муддатсиз тусдаги тўловларни корхона уч йил давомида ҳисоблаб ёзиши шарт. Бунда ушбу пул маблагларининг ҳисоблаб ёзилиши 6721-«Депонентланган қоплов» маҳсус ҳисобварагининг кредитида акс эттирилади.

Кўрсатилган муддат тугаганидан сўнг пул маблаглари уларни олишига хукуки бўлган шахс томонидан талаб қилинмаганида, улар бошқа даромадлар сифатида корхонанинг фойдасига қўшилади (Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги 54-сон қарори билан тасдиқланган Маҳсулот (ишлар, хизматларни) ишлаб чиқариш ва сотиши харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида низом «В» бандининг 2.5-кичик банди). Келгусида пул маблаглари

яна уч йил мобайнинда белгиланган тартибда ҳисоблаб ёзилади, яны ушбу ҳисоблаб ёзишлар 6721-маҳсус ҳисобваракда ҳисобга олинади. Собиқ ходим пулли қоплаш суммаларини яна талаб қилимаган тақдирда, корхона уларни бошқа даромадлар таркибига киритиши лозим.

Агар уч йиллик муддат ичада шахс ўз вақтида олмаган қоплаш маблагларини тўлаш талаби билан мурожаат қилса, Ходимларга уларнинг меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ ҳолда жароҳатланиши, касб касалликларига чалиниши ёки саломатликнинг бошқа хил шикастланиши туфайли етказилган зарарни тўлаш қоидалари (Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 11 февралдаги 60-сон қарори билан тасдиқланган) 59-бандининг биринчи хатбошига мувофиқ, унинг талаби мурожаат қилиш пайтида 6721-ҳисобваракда мавжуд бўлган сумма доирасида қондирилиши зарур.

Ада ЦОЙ,
«Norma» МЧЖ экспер-юристи.

• РЕКЛАМА

KORXONANI
BOSHQARISH
Журнал
УПРАВЛЕНИЕ
ПРЕДПРИЯТИЕМ

Самарали менежмент
учун професионал
билимлар

Корхона ва ташкилотлар раҳбарлари, професионал
менежерлар ҳамда бизнесни бошқариш масалалари
билиш шуғулланаётган мутахассислар дикқатига!

“Korxonani boshqarish”
журналига обуна давом этмоқда!

Фақат бизнинг журналда қўйидаги саволларга жавоб топасиз:

- корпоратив бошқарув тизимини қандай жорий этиш мумкин;
- дивиденд сиёсати қандай ташкил этилади;
- молияни қандай тўғри бошқариш мумкин;
- самарали стратегия қандай ишлаб чиқилади;
- қайси бозорда ривожланиши мақсадга мувофиқ;
- рақобатбардошлик қандай усуllар билан таъминланади;

шунингдек, Ўзбекистоннинг самарали фаолият юритаётган
компанияларида тўпланган тадбиркорлик тажрибаси ҳамда “Раҳбар
жавобгарлиги”, “Бизнес психологияси” каби янги рукнлар остида
фойдали ахборот билан танишасиз.

**2008 ЙИЛНИНГ ИККИНЧИ ЯРМИ УЧУН ЖУРНАЛНИНГ
ОЛТИ СОНИГА ОБУНА НАРХИ – 39 МИНГ СҮМ.**

Журнал ҳар ойда, бир йилда 12 марта ўзбек ва рус тилларида чиқади.
Формати: 80 бет, 70x108/16.

Журнал Ўзбекистон Республикаси ҳудудида тарқатилади.

Обуна масалалари бўйича қўйидаги телефонларга қўнгироқ қилинг:
(8 371) 252 13 23, 252 58 13, (8 590) 370 30 72.

Професионал бошқараламиз - самарали шилаймиз!

Журнал Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигига
2007 йил 6 июняда рўйхатга олнган. 0279-сонли гувоҳнома.

Хизматлар лицензияланган

STS LOGISTICS
SOLUTIONS TO SATISFACTION

**МДХ мамлакатлари бўйлаб, Европа,
Америка, Япония ва Хитойда**

30 дан зиёд офис ва 300 агент

— транспортнинг барча турларида юк ташиш
— юкларни “эшиқдан эшиккача” етказиб бериш
— импорт ва экспорт юкларининг божхона расмийлаштируви

Тел.: 120-77-66, 120-77-89, 120-77-91, 120-77-92. E-mail: ststas@stslogistics.net, www.stslogistics.net

2008 ЙИЛНИНГ ИЮНЬ ОЙИ УЧУН ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАР ДАРОМАДИДАН ОЛИНАДИГАН СОЛИК ҲИСОБ-КИТОБИ

Солик солинадиган даромад миқдори	Солик сүммаси
(6 x 118 485) = 710 910 сүмгача	Даромад сүммасининг 13 фоизи
710 910 сүмдан (10 x 118 485) = 1 184 850 сүмгача	92 418,3 сүм + 710 910 сүмдан ортиқ сүмманинг 18 фоизи
1 184 851 сүм ва ундан юқори	177 727,5 сүм + 1 184 850 сүмдан ортиқ сүмманинг 25 фоизи

Президентнинг 2007 йил 23 октябрдаги «Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида» ПФ-3931-сон Фармонига биноан энг кам иш ҳақи миқдори ойига 18 630 сүм этиб белгиланган. 2008 йил 1 апрелдан бошлаб Президентнинг 2008 йил 5 мартағи «Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида» ПФ-3972-сон Фармонига биноан у 20 865 сүмгача оширилди. Январь-июнъ ойлари учун энг кам иш ҳақининг жами миқдори 118 485 сүмни (18 630 + 18 630 + 18 630 + 20 865 + 20 865 + 20 865) ташкил қиласди.

I МИСОЛ. Корхона ходимига июнъ ойи учун 112 000 сүм иш ҳақи ҳисоблаб ёзилди. Унинг январь-июнъ ойлари учун жами даромади 636 000 сүмни (100 000 + 100 000 + 100 000 + 112 000 + 112 000 + 112 000) ташкил этади. Январь-май ойларида ушланган солик сүммаси 68 120 сүмга тенг.

Унинг июнъ ойидаги иш ҳақидан даромад солиги куйидаги тартибида ушланади:

1. Январь-июнъ ойлари учун солик сүммаси аниқланади (636 000 сүм даромаддан). Ходимнинг даромади энг кам иш ҳақининг 6 баравари – 710 910 сүм (118 485 x 6)дан ошмаслиги сабабли, унга 13%ли ставка бўйича солик солинади:

$$636\,000 \times 13\% = 82\,680 \text{ сүм.}$$

2. Июнъ ойи учун даромадлардан ушланиши лозим бўлган солик сүммаси аниқланади:

$$82\,680 - 68\,120 = 14\,560 \text{ сүм.}$$

3. 2008 йилда фуқароларнинг ШЖБПХга мажбурий жамғарип бориладиган пенсия бадаллари ставкаси ходимига ҳисобланган иш ҳақи (даромади) солик солинадиган сүммасининг 1%ни миқдорида белгиланган (Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 21 декабрдаги «Фуқароларнинг жамғарип бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конунини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида 595-сон қарорининг 2-банди). Январь-июнъ ойлари учун шахсий жамғарип бориладиган пенсия ҳисобварағига иш ҳақининг 1 фоизи миқдоридаги мажбурий ушланималар сүммаси 6 360 сүмни (636 000 x 1%) ташкил этади. Январь-май ойларида 5 240 сүм ушлаб қолинган, июнъ ойида 1 120 сүм (6 360 – 5 240) ушланиши лозим.

4. Июнъ ойи учун бюджетта 13 440 сүм (14 560 – 1 120) даромад солиги ўтказилади.

5. 2008 йилда фуқароларнинг иш ҳақидан бюджетдан ташкири Пенсия жамғарасига мажбурий сургута бадаллари ставкаси ходимнинг бадаллар ҳисобланадиган иш ҳақи (даромади)нинг 2,5%ни миқдорида белгиланган (Президентнинг 2007 йил 12 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2008 йилги асосий мақроқтисодий кўрсаткчилари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида» ПК-744-сон қарорининг 3-банди). Июнъ ойи учун мажбурий сургута бадаллари ажратмас ходимнинг барча иш ҳақи сүммаси – 112 000 сүмдан ундириллади. Ажратма сүммаси 2 800 сүмни (112 000 x 2,5%) ташкил этади.

6. Солиқлар ва бошқа мажбурий ажратмалар ушлаб қолингандан кейин июнъ ойи учун иш ҳақи сүммаси:

$$112\,000 - 14\,560 - 2\,800 = 94\,640 \text{ сүмни ташкил этади.}$$

II МИСОЛ. Корхона ходимига июнъ ойи учун 225 000 сүм иш ҳақи ҳисоблаб ёзилди. Унинг январь-июнъ ойлари учун жами даромади 1 275 000 сүмни (200 000 + 200 000 + 200 000 + 225 000 + 225 000 + 225 000) ташкил этади. Январь-май ойларида 164 880 сүм солик ушланган.

Унинг июнъ ойидаги даромадидан солик куйидаги тартибида ушланади:

1. Январь-июнъ ойлари учун солик сүммаси аниқланади (1 275 000 сүм даромаддан):

$$177\,727,5 + (1\,275\,000 - 1\,184\,850) \times 25\% = 200\,265 \text{ сүм.}$$

2. Июнъ ойи учун даромадлардан ушланиши лозим бўлган солик сүммаси аниқланади:

$$200\,265 - 164\,880 = 35\,385 \text{ сүм.}$$

3. Январь-июнъ ойлари учун шахсий жамғарип бориладиган пенсия ҳисобварағига иш ҳақининг 1 фоизи миқдорида мажбурий ушланималар сүммаси 12 750 сүмни (1 275 000 x 1%) ташкил этади. Январь-май ойларида 10 500 сүм ушлаб қолинган, июнъ ойида 2 250 сүм (12 750 – 10 500) ушланиши лозим.

4. Июнъ ойи учун бюджетта 33 135 сүм (35 385 – 2 250) даромад солиги ўтказилади.

III МИСОЛ. Солик кодекси 180-моддасининг иккинчи қисмига мувофиқ имтиёзга эга бўлган корхона ходимига (масалан, хизматни Афғонистон Республикасида ва жанговар ҳаракатлар олиб борилган бошқа мамлакатларда вактинча бўлган кўшинларнинг чекланган контингенти таркибида ўтаган ҳарбий хизматчилар ҳамда ўкув ва синов йигинларига чакирилган ҳарбий хизматга мажбурлар) июнъ ойи учун 225 000 сүм иш ҳақи ҳисоблаб ёзилди. Унинг январь-июнъ ойлари учун жами даромади 1 275 000 сүмни (200 000 + 200 000 + 200 000 + 225 000 + 225 000 + 225 000) ташкил этади. Январь-май ойларида ушлаб қолинган солик сүммаси 89 427,6 сүмни ташкил этди.

Солик кодекси 180-моддасининг иккинчи қисмига мувофиқ имтиёзга эга бўлган фуқароларнинг жами даромадидан ҳар ойда энг кам иш ҳақи миқдорининг 4 бараварига тенг даромад сүммаси чиқариб ташланишини ҳисобга олганда, унинг январь-июнъ ойлари учун солик солинадиган жами даромади куйидагини ташкил этади: $4 \times 118\,485 = 473\,940$ сүм. Унинг иш ҳақидан даромад солиги куйидаги тартибида ушланади:

1. Солик солинадиган даромад аниқланади:

$$1\,275\,000 - 473\,940 = 801\,060 \text{ сүм.}$$

2. Январь-июнъ ойлари учун солик сүммаси аниқланади (801 060 сүм даромаддан):

$$92\,418,3 + (801\,060 - 710\,910) \times 18\% = 108\,645,3 \text{ сүм.}$$

3. Июнъ ойи учун ушланиши лозим бўлган солик сүммаси аниқланади:

$$108\,645,3 - 89\,427,6 = 19\,217,7 \text{ сүм.}$$

4. Январь-июнъ ойлари учун ШЖБПХга солик солинадиган иш ҳақининг 1 фоизи миқдорида мажбурий ушланималар сүммаси 8 010,6 сүмни (801 060 x 1%) ташкил этади. Январь-май ойларида 6 595,2 сүм ушлаб қолинган, июнъ ойида 1 415,4 сүм (8 010,6 – 6 595,2) ушланиши лозим.

5. Июнъ ойи учун бюджетта ўтказиладиган даромад солиги сүммаси 17 802,3 сүмга (19 217,7 – 1 415,4) тенг.

IV МИСОЛ. Ходимга июнъ ойи учун 225 000 сүм миқдорида иш ҳақи ҳисоблаб ёзилди. Юбилей санаси муносабати билан январь ойида унга қиймати 50 000 сүм бўлган қимматбаҳо совфа берилган. Май ойида муҳим шахсий воқеа муносабати билан унга 400 000 сүм миқдорида маддий ёрдам берилган.

Солик кодекси 179-моддасининг 14-бандига кўра юридиш шахслардан олинган, солик даврининг охиридаги ҳолатга кўра белгиланган энг кам иш ҳақи миқдоридан келиб чиқсан ҳолда ҳисоблаб чиқарилган, бир йил мобайнидаги ЭКИХнинг олти баравари миқдоригача бўлган суммадаги совфаларнинг қийматига, яни мазкур ҳолатда 18 630 x 6 = 111 780 сүмга солик солинади.

Ходимнинг январь-июнъ ойларидағи жами даромади 1 725 000 сүмни (200 000 + 50 000 + 200 000 + 200 000 + 225 000 + 225 000 + 225 000 + 225 000) ташкил этади. Январь-май ойларида 202 285 сүм солик ушланган. Солик куйидаги тартибида ушланади:

1. Солик солинадиган даромад:

$$1\,725\,000 - (50\,000 + 250\,380) = 1\,424\,620 \text{ сүмга тенг.}$$

2. Январь-июнъ ойлари учун солик сүммаси аниқланади (1 424 620 сүм даромаддан):

$$177\,727,5 + (1\,424\,620 - 1\,184\,850) \times 25\% = 237\,670 \text{ сүм.}$$

3. Июнъ ойи учун ушланиши лозим бўлган солик сүммаси аниқланади:

$$237\,670 - 202\,285 = 35\,385 \text{ сүм.}$$

4. Январь-июнъ ойлари учун ШЖБПХга солик солинадиган иш ҳақининг 1 фоизи миқдорида мажбурий ушланималар сүммаси 14 246,2 сүмни (1 424 620 x 1%) ташкил этади. Январь-май ойларида 11 996,2 сүм ушлаб қолинган, июнъ ойида 2 250 сүм (14 246,2 – 11 996,2) ушланиши лозим.

5. Июнъ ойи учун бюджетта ўтказиладиган даромад солиги сүммаси 33 135 сүмга (35 385 – 2 250) тенг.

V МИСОЛ. Ходимга июнъ ойи учун 225 000 сүм миқдорида иш ҳақи ҳисоблаб ёзилди. Юбилей санаси муносабати билан январь ойида унга қиймати 150 000 сүм бўлган қимматбаҳо совфа берилган.

Солик кодекси 179-моддасининг 14-бандига кўра юридиш шахслардан олинган, солик даврининг охиридаги ҳолатга кўра белгиланган энг кам иш ҳақи миқдоридан келиб чиқсан ҳолда ҳисоблаб чиқарилган, бир йил мобайнидаги ЭКИХнинг олти баравари миқдоригача бўлган суммадаги совфаларнинг қийматига, яни мазкур ҳолатда 18 630 x 6 = 111 780 сүмга солик солинади.

Ходимнинг январь-июнъ ойларидағи жами даромади 1 425 000 сүмни (200 000 + 150 000 + 200 000 + 200 000 + 225 000 + 225 000 + 225 000 + 225 000) ташкил этади. Январь-май ойлари учун 174 435 сүм солик ушланган. Солик куйидаги тартибида ушланади:

1. Солик солинадиган даромад:

$$1\,425\,000 - 111\,780 = 1\,313\,220 \text{ сүмга тенг.}$$

2. Январь-июнъ ойлари учун солик сүммаси аниқланади (1 313 220 сүм даромаддан):

$$177\,727,5 + (1\,313\,220 - 1\,184\,850) \times 25\% = 209\,820 \text{ сүм.}$$

3. Июнъ ойидаги даромадлардан ушланиши лозим бўлган солик сүммаси аниқланади:

$$209\,820 - 174\,4$$

СОЛИҚ ТҮЛОВЧИННИГ ТАҚВИМИ

2008 ЙИЛ ИЮЛЬ (ЮРИДИК ШАХСЛАР УЧУН)



ИШ ВАҚТИ ҲИСОБ-КИТОБИ (соатларда):

5 күнлик (40 соатли) иш ҳафтасыда – 184
6 күнлик (40 соатли) иш ҳафтасыда – 181
36 соатли иш ҳафтасыда – 162

ИШ КҮNLАРИ СОНИ:

5 күнлик иш ҳафтасыда – 23
6 күнлик иш ҳафтасыда – 27

3

– июнь ойининг III ўн кунлиги учун акциз солигини тұлашнинг сұнгги куни (Солиқ кодекси, 240-модда, биринчи қисм);

– июнь ойининг III ўн кунлиги учун сотишнинг ҳақиқий ҳажмидан келиб чиққан холда транспорт воситалари учун бензин, дизель ёқилғиси ва газ истемолига жисмоний шахслардан үндиріладын солиқни тұлашнинг сұнгги куни (Солиқ кодекси, 304-модда, тұрткынчи қисм).

5

– июнь ойи учун акцизли товарлар алохыда турларининг харид қилиниши ва сотилиши (ички бозорда янги автомобиллар, алкоголь ва тамаки маңсуплары, үсімлік майы, автомобиль бензини, дизель ёқилғисини сотиши) тұрткында мәлдемелерни тақдым этишнинг сұнгги куни.

9

– июнь ойи учун мөхнат пайтида майб бўлиш ёки касбланиш оқибатида тайинланган ва тұланган пенсиялар бўйича ҳаражатларни қоплашга тұлов тұлашнинг сұнгги куни (МВ, МАИМКВ, ДСҚ ва МБ бошқарувининг АВ томонидан 6.04.2004 йилда 1333-сон билан рўйхатдан үтказилган қарори билан тасдиқланган Ягона ижтимоий тұловның ҳамда давлат ижтимоий суурутасыга мажбурий бадаллар ва ажратмаларни ҳисоблаш, тұлаш да тақсимлаш тұрткында низомнинг 44-банди);

– 2008 йилнинг III чораги учун ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиги бўйича жорий тұловлар тұрткында мәлдемелерни тақдым этишнинг сұнгги куни (Солиқ кодекси, 300-модда, тұрткынчи қисм);

– 2008 йилнинг III чораги учун таҳмин қылинаётган фойдаланудан келиб чиқиб фойда солиги бўйича жорий тұловлар тұрткында мәлдемелерни тақдым этишнинг сұнгги куни (Солиқ кодекси, 164-модда, иккичи қисм).

10

– июнь ойи учун ягона ижтимоий тұлов ҳисоб-китобини тақдым этишнинг сұнгги куни* (Солиқ кодекси, 310-модда, учинчи қисм);

– июнь ойи учун ягона ижтимоий тұловни тұлашнинг сұнгги куни (Солиқ кодекси, 310-модда, бешинчи қисм).

13

– июль ойининг I ўн кунлиги учун акциз солигини тұлашнинг сұнгги куни (Солиқ кодекси, 240-модда, биринчи қисм);

– июль ойининг I ўн кунлиги учун сотишнинг ҳақиқий ҳажмидан келиб чиққан холда транспорт воситалари учун бензин, дизель ёқилғиси ва газ истемолига жисмоний шахслардан үндиріладын солиқни тұлашнинг сұнгги куни (Солиқ кодекси, 304-модда, тұрткынчи қисм).

14

– июль ойи учун фойда солиги бўйича жорий тұловни тұлашнинг сұнгги куни*** (Солиқ кодекси, 164-модда, учинчи қисм);

– июнь ойи учун Халқ банкига жамғарип бориладын пенсия тизимида иштирок этувчи ходимлар реестри ва шахсий жамғарип бориладын пенсия ҳисобваракларига 1 фоиз микдорида бадаллар тұланғанда ҳақда тұлов топшириқ масини тақдым этишнинг сұнгги куни (ВМнинг 21.12.2004 йилдеги 595-сон қарори билан тасдиқланган Халқ банки томонидан фуқароларни жамғарип бориладын пенсия тизимида шахсан ҳисоба олишни тартиби тұрткында низомнинг 16-банди; МВ, ДСҚ ва МБ бошқарувининг АВ томонидан 6.10.2005 йилда 1515-сон билан рўйхатдан үтказилган қарори билан тасдиқланган Иш берувлар томонидан фуқароларнинг шахсий жамғарип бориладын пенсия ҳисобваракларига мажбурий бадалларни күшиш ва тұлаш тартиби тұрткында низомнинг 10-банди).

15

– июль ойи учун ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиги бўйича жорий тұловни тұлашнинг сұнгги куни**** (Солиқ кодекси, 300-модда, бешинчи ва олтинчи қисмлар).

23

– июль ойининг II ўн кунлиги учун акциз солигини тұлашнинг сұнгги куни (Солиқ кодекси, 240-модда, биринчи қисм);

– июль ойининг II ўн кунлиги учун сотишнинг ҳақиқий ҳажмидан келиб чиққан холда транспорт воситалари учун бензин, дизель ёқилғиси ва газ истемолига жисмоний шахслардан үндиріладын солиқни тұлашнинг сұнгги куни (Солиқ кодекси, 304-модда, тұрткынчи қисм).

***)**

солиқлар бўйича ҳисоб-китобларни ҳисбет давридан кейинги ойнинг 25-кунидан кечирилтириштада тақдым этишдиган микрофирамалар ва кичик корхоналардан ташқари;

**) бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига сұгурта бадалларни иш ҳақи учун пул маблағларыни олиш учун банкка ҳужжатларни тақдым этиш билан бир вақтда тұланады;

***) ҳисбот давридагы кутилаётган солиқ солинадиган фойдаидасындағы көмек көмек көрсетуден күндерінде 200 барабарига білгін корхоналардан ташқари. Тұлға манбауда шұлап қолинадиган қаридик шахсларға тұланадын дивиденден ва фоизларға фойда солиги, шунингдек Ўзбекистон Республикасы норезидентларнан даромадлардан фойда солиги бюджеттеге мазкур тұловларни тұлаш кунидан кечирилтириледі;

****) ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солигининг жорий тұловларни күйдагилар томонидан тұланмайды;

ҳисбот давридагы солиқ солинадиган базасындағы көмек көмек көрсетуден күндерінде 200 барабарига майб бөлгөн корхоналардан ташқари;

үтган ҳисбот даврида ижтимоий инфратузилмани объектларини сақлау тартиби бўйича ҳаражатлашында солиқ солинадиган базасындағы көмек көмек көрсетуден күндерінде 200 барабарига майб бөлгөн корхоналардан ташқари;

ягона солиқ тұловини тұлашта үтмаган микрофирамалар ва кичик корхоналар томонидан;

*****) вазириллар, идоралар, уюшмалар, корпорациялар, концернлар ва давлат мұлкүнни бошқарувчы бошқа органлар, шунингдек чет эл инвестициялари иштироқидаги корхоналардан ташқари. Вазириллар, идоралар, уюшмалар, корпорациялар, концернлар ва давлат мұлкүнни бошқарувчы органлар учун 2008 йилнинг I ярим йилдеги молиявий ҳисбетотини тақдым этишнинг муддаты 9 августда туғайды. Чет эл инвестициялари иштироқидаги корхоналар ва чет эл фирмаларинин ваколатхоналары молиявий ҳисбетоти бир йилда бир марта, ҳисбот йилидан кейинги йилнинг 25 мартадан кечирилтириледі;

*****) қышлек хўялларига корхоналар, микрофирамалар ва кичик корхоналар, шунингдек бир чорак учун сұр ресурслардан фойдаланғанлик учун умумий солиқ ҳисбасындағы көмек көмек көрсетуден күндерінде 200 барабарига майб бөлгөн корхоналардан ташқари;

******) муддатнан сұнгги куни дам олиш (ишланмайдын) кунига түрги келиб қолса, муддатнан тугаш куни бўлиб ундан кейин келувчи биринчи иш куни ҳисбленади.

24

– 2008 йилнинг биринчи ярим йиллиги учун молиявий ҳисбетотини тақдым этишнинг сұнгги куни***** (AB томонидан 3.07.2000 йилда 942-сон билан рўйхатдан үтказилган қораклик ва ийллик молиявий ҳисбетотларни тақдым этиш муддатлари тұрткындағы низомнинг 4-банди);

– июнь ойи учун сұр ресурслардан фойдаланғанлик учун солиқ ҳисоб-китобини тақдым этиш ва солиқни тұлашнинг сұнгги куни***** (Солиқ кодекси, 263-модда, учинчи қисм; 264-модда, биринчи қисм);

– 2008 йилнинг II чораги учун ҳисбленган даамда тұланған даромадлар суммалари ҳамда жисмоний шахслардан олинадын даромад солиқнинг ушлаб қолынан суммалари тұрткындағы мәлдемелерни тақдым этишнинг сұнгги куни (Солиқ кодекси, 187-модда, 2-банд);

– 2008 йилнинг II чораги учун сұр ресурслардан фойдаланғанлик учун тұлашнандағы солиқнинг умумий суммасы бир чоракда ЭКИХнинг 50 барабаридан кам-ни ташкил этидиган юридик шахслар, шунингдек микрофирамалар ва кичик корхоналар томонидан солиқ бўйича ҳисоб-китобини тақдым этиш ва солиқни тұлашнинг сұнгги куни (Солиқ кодекси, 263-модда, учинчи қисм; 264-модда, биринчи қисм);

– июнь ойи учун цементта ва табиии газга кўшимча фойда солиги бўйича ҳисоб-китобини тақдым этиш ва солиқни тұлашнинг сұнгги куни (MB ва DСКнинг AB томонидан 21.02.2008 йилда 1772-сон билан рўйхатдан үтказилган қарори билан тасдиқланған Цемента кўшимча фойда солиги ҳисоблагчыларни тақдым этиш ва бюджеттеги тұлаш тартиби тұрткындағы низомнинг 12-13-бандлари; MB ва DСKнинг AB томонидан 5.03.2008 йилда 1776-сон билан рўйхатдан үтказилган қарори билан тасдиқланған Цемента кўшимча фойда солиги ҳисоблагчыларни тақдым этиш ва бюджеттеги тұлаш тартиби тұрткындағы низомнинг 13-14-бандлари);

– 2008 йилнинг II чораги учун фуқароларнинг мажбурий сұгурта бадалларни ҳисоб-китобини тақдым этишнинг сұнгги куни** (Солиқ кодекси, 310-модда, тұрткынчи қисм).

25

– июнь ойи учун ККС бўйича ҳисоб-китобини тақдым этиш ва солиқни тұлашнинг сұнгги куни* (Солиқ кодекси, 225-модда, биринчи қисм; 226-модда, биринчи қисм);

– июнь ойи учун акциз солиги бўйича ҳисоб-китобини тақдым этишнинг сұнгги куни* (Солиқ кодекси, 239-модда);

– июнь ойи учун ер қаъридан фойдаланғанлик учун солиқ бўйича ҳисоб-китобини тақдым этиш ва солиқни тұлашнинг сұнгги куни* (Солиқ кодекси, 247-модда, иккичи қисмлар);

– июнь ойи учун транспорт воситалари учун бензин, дизель ёқилғиси ва газ истемолига жисмоний шахслардан үндиріладын солиқ бўйича ҳисоб-китобини тақдым этишнинг сұнгги куни* (Солиқ кодекси, 304-модда, учинчи қисм);

– июнь ойи учун Республика йўл жамғармасига соф тушумдан мажбурий ажратмалар ҳисоб-китобини тақдым этиш ва тұлашнинг сұнгги куни* (Солиқ кодекси, 319-модда, иккичи қисмлар);

– июнь ойи учун бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига соф тушумдан мажбурий ажратмалар ҳисоб-китобини тақдым этиш ва тұлашнинг сұнгги куни* (Солиқ кодекси, 315-модда, иккичи қисмлар);

– 2008 йилнинг II чораги учун фойда солиги бўйича ҳисоб-китобларни тақдым этиш ва солиқни тұлашнинг сұнгги куни* (Солиқ кодекси, 163-модда, иккичи қисм; 164-модда, олтинчи қисм; 165-модда, тұрткынчи қисм, 2-банд);

– июнь ойи учун мактаб таълимени ривожлантиришга мажбурий ажратмалар бўйича ҳисоб-китобини тақдым этиш ва тұлашнинг сұнгги куни* (MB ва DСKнинг AB томонидан 31.01.2005 йилда 1446-сон билан рўйхатдан үтказилган қарори билан тасдиқланған Мактаб таълимени ривожлантиришга мажбурий ажратмаларни ҳисоблагчыларни тақдым этиш ва тұлаш тартиби тұрткындағы низомнинг 6-бандлари);

– 2008 йилнинг II чораги учун микрофирамалар ва кичик корхоналар томонидан ККС бўйича ҳисоб-китобини тақдым этиш ва солиқни тұлашнинг сұнгги куни (Солиқ кодекси, 225-модда, биринчи қисм; 226-модда, биринчи қисм);

– 2008 йилнинг II чораги учун микрофирамалар ва кичик корхоналар томонидан мактаб таълимени ривожлантиришга мажбурий ажратмалар ҳисоб-китобини тақдым этиш ва тұлашнинг сұнгги куни (MB ва DСKнинг AB томонидан 31.01.2005 йилда 1446-сон билан рўйхатдан үтказилган қарори билан тасдиқланған Мактаб таълимени ривожлантиришга мажбурий ажратмаларни ҳисоблагчыларни тақдым этиш ва тұлаш тартиби тұрткындағы низомнинг 6-бандлари);

– 2008 йилнинг II чораги учун микрофирамалар ва кичик корхоналар томонидан акциз солиги ҳисоб-китобини тақдым этишн

ЮК ЖҮНАТИШГА БЕЛ БОГЛАГАН БҮЛСАНГИЗ

Низонинг мөхияти. Резидент юридик шахс хорижий харидор билан маҳсулот олди-сотди шартномасини тузди. Уни бажариш учун резидент бошқа корхона – омбор эгаси (юк жүнатувчи) билан маҳсулотни қабул қилиш, сақлаш ва экспортга юклаб жүнаташига доир хизматлар кўрсатиш тўғрисида шартнома тузди. Юк жүнатувчи ўз мажбуриятларини бажариб, маҳсулотни темир йўл транспортида хорижий харидорга жүнатди. Уни қабул қилиш чоғида камомад аниқланди. Харидор сотовчига даъво билдириди, сотовчи эса юнинг етишмаётган миқдори қийматини қоллаш тўғрисида юк жүнатувчига даъво билан хўжалик судига мурожаат қилди.

Суд мажлисида сотовчи судга 8 тонна маҳсулот қайд этилган олди-сотди шартномаси, юк жүнатувчига шунча миқдорда маҳсулот берилгани тўғрисида юхат, юни қабул қилиш чоғида юк олувчи туз-

ган, юк ташувчи ҳам имзолаган далолатнома тақдим этди. Юк жүнатувчи маҳсулотни сотовчидан олинган ҳажмда юклаб жүнаталиниги кўрсатди. Юк қабул қилинганини тўғрисида комиссиян далолатнома унинг иштирокисиз тузилган, у юк ҳақиқатан ҳам камомад билан келганинига ишонч ҳосил қилиш имкониятига эга бўлмаган, шу сабабли мазкур хужжатни унинг айби исботи сифатида қабул қилиш мумкин эмас.

Низони кўриб чиқиши чоғида хўжалик суди шартноманинг маҳсулотни қабул қилиш ва экспортга юклаб жүнаташига доир хизматлар кўрсатиш тўғрисидаги қоидаларини инобатга олди, уларга кўра камомад юк жүнатувчининг иштирокисиз кўйидаги хужжатлардан бирин билан белгиланиши мумкин эди:

а) экспедиторлик компанияси ёки юк олувчи вакилининг қабул қилиш далолатномаси;

б) темир йўлнинг тижорат далолатномаси;

в) мустақил назорат ташкилотининг далолатномаси;

г) бориладиган мамлакат савдо-саноат палаталари товарларни экспертизадан ўтказиш бюросининг далолатномаси.

Суд комиссиян далолатномани, у юк жүнатувчининг вакилисиз тузилганинига қарамай, камомаднинг ёзма исботи деб топди. Иш материалларидан маълум бўлишича, юк тайинланган пунктга яхши ҳолатдаги вагонда келтирилган, юк жүнатувчининг пломбалари бузилмаган эди. Шунга асосан суд ташувчи камомадда айбор бўлиши мумкин эмаслигини кўрсатди, камомад юк жүнатувчининг айби билан юзага келган деб топди ва юридик шахс – сотовчининг даъво талабларини қондириди.

Иш бўйича асосий хуносалар. Тайинланган пунктга келтирилган юк камомадида юк жүнатувчининг айби қўйидаги ҳолатларнинг мажмуи билан белгиланади:

– сотовчи томонидан товарнинг юк жүнатувчига унинг миқдори кўрсатилган ҳолда топширилганини тўғрисида далолатнома (юхат)нинг мавжудлиги;

– товар тайинланган пунктда туширилганда ту зилган, унинг миқдори кўрсатилган ҳолда юк олувчининг қабул қилиш далолатномаси мавжудлиги;

– товар олиб келинган йўлда вагоннинг шикастланганини (юк жүнатувчининг пломбалари бузилганини ва ҳоказо) далилларининг йўклиги.

Агар юк жүнатувчи аввал-бошдан қабул қилиш далолатномаси унинг вакилисиз расмийлаштирилишига рози бўлса, юк олувчининг юк жүнатувчига иштирокисиз тузилган қабул қилиш далолатномаси ёзма исбот деб топлади. Товар сотовчи билан тузилган шартнома шартлари ана шундай розиликдан гувохлик бериши мумкин.

Вазиятни баҳолаш. 1. Хўжалик процессал кодекснинг 62-моддасига мувофиқ «иш учун аҳамиятга эга бўлган ҳолатлар тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олган хужжатлар, шартномалар, маълумотномалар, амалий ёзишмалар, шу жумладан, факсимил, электрон ёки бошқа алоқа воситасида ёхуд хужжатнинг тўғрилигини аниқлаш имконини берувчи бошқа усулда олинган ўзга хужжатлар ва материаллар ёзма далиллар ҳисобланади».

Юк олувчининг қабул қилиш далолатномаси келиб тушган юнинг миқдори ва юк таркибига кирадиган объексларнинг бут сақлашини ҳақида маълумотларни ҳам ўз ичига олган хужжатdir.

Агар у белгиланган талабларга мувофиқ расмийлаштирилган ва ишончли маълумотларни ўз ичига олса, уни суд иш бўйича далил сифатида қабул қилиши мумкин. Юнинг олди-сотди (етказиб бериш) шартномасида кўрсатилганидан кам ҳажмда етказиб берилганини кам ҳажмда етказиб берилганини айни ушбу хужжат билан исботланади. Қабул қилиш далолатномаси юк олувчининг вакили томонидан ташувчи ва экспедитор ташкилоти (агар юнни йўлда кузатиб боришга экспедитор жалб этилган бўлса) вакиллари ҳозирлигига тузилади.

Тайинланган пунктга етиб келган юнинг камомадида ким айборлиги ва етказилган зарар суммасини кимдан ундириш масаласи юк ташиш соҳасидаги хукукини кўллаш амалиётининг «оғрикли» масаласидир. Бунда иштирокчилардан ҳеч бири ўз зиммасига масъулият олиши хоҳламайди, ҳар бири айбини бошқага: юк жүнатувчи ташувчига, ташувчи юк жүнатувчига «ағдариши»га уринади ва ҳоказо. Фикримизча, қўйида келтирилаётган қоидалар муйайн ҳолларда айборни аниқлашада ёрдам беради.

Биринчидан, сотовчи томонидан жўнаташибига берилиши керак бўлган товарнинг миқдорини аввал-бошдан белгилаш зарур. Буни жўнаташибига билан тузилган шартномага қараб аниқлаш мумкин.

Иккинчидан, сотовчи томонидан расмийлаштирилган қабул қилиш-топшириш хужжатларини ўрганиб, сотовчи томонидан юк жўнаташибига кейин жўнаташибига унинг амалда қанча миқдорда товар юклаб жўнатилганини айтиш мумкин.

Учинчидан, худди ўша қабул қилиш-топшириш хужжатлари бўйича юк жўнаташибига томонидан ташувчига берилган товар миқдорини исботлаб, ундан камомад суммасини ундириб олиш керак.

Артём Мокшин, «Norma» МЧЖ эксперт юридик бўлими бошлиғи.

РЕКЛАМА



ЎЗБЕКИСТОН САВДО-САНОАТ ПАЛАТАСИ ХУЗУРИДАГИ ҲАКАМЛИК СУДИ

п_747-03

ТЕЗКОР! ТЕЖАМЛИ! МАЛАКАЛИ! ИШОНЧЛИ!

Ўзбекистон Савдо-Саноат Палатаси хузуридаги Ҳакамлик Суди

- **Хўжалик низосини тез ҳал этиш** (низони фақат битта инстанцияда энг қисқа муддатда кўриб чиқиши)
- **Иш кўришнинг тежамлилиги** (низони ҳал этишига алоқадор тарафларнинг кам чиқим қилиши)
- **Судьяларнинг малакаси** (судьяни тарафлар энг тажрибалилари орасидан танлаб оладилар)
- **Мобиллик** (низони Ўзбекистон Республикаси ҳудудининг исталган жойида кўриб чиқиш имконияти)
- **Ҳакамлик суди ҳал қилув қарорининг тугаллиги** (ҳал қилув қарори устидан давлат судига низо мөхиятига кўра шикоят бериш мумкин эмас)
- **Ҳакамлик суди ҳал қилув қарорининг мажбурий ижро этилиши,** Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари билан кафолатланган (давлат судлари ҳал қилув қарорларини ижро этиш учун белгиланган тартибда)

Ўзбекистон Савдо-Саноат палатаси хузуридаги Ҳакамлик Суди

Ўзбекистон Республикаси, 100047, Тошкент ш., Бухоро кўч., б. Телефон (+998-71) 2394329 Факс (+998-71) 2320903. Web-site: www.chamber.uz, e-mail: sud@chamber.uz

ҚИСҚА САТРДА

• Росистемоназорат товарлар билан масофадан туриси савдо қилувчи ташкилотларни текширувдан ўтказишни бошлади. Аввало минтақавий (маҳаллий, кабель) телэшиттиришлар ва интернет-дўконлар тармоқлари орқали сотиладиган товарларнинг назорат хариди ўтказилади. У ижтимоий аҳамиятга эга бўлган маҳсулотлар чакана нархининг ошишига қарши курашдан ҳам четда қолмади – улурки ва чакана озиқ-овқат савдоси билан шуғулланувчи, нон-булка маҳсулотлари, сут маҳсулотлари, ёғ, тухум ва ҳоказолар билан савдо қилувчи барча корхоналарда текширувлар ўтказиб режалаштирилган. «Санитарлар» маҳсулотларни сақлаш муддати ва савдосига риоя қилинганини тақдирларидан ҳимояланган эмас, улар тил бирриктириб, юнни тусириш чоғида унинг бир қисмини ўзлаштиришлари, қабул қилиш далолатномасида эса камомадини кўрсатиларни мумкин. Мазкур ҳолда ўзининг ҳақлигини исботлаш анча мушкуллашади. Бундай ҳолларнинг олдини олиш учун юк қабул қилинганда юк жўнаташибига ишончли шахснинг ҳозир бўлгани мақбул бўларди. Бу шахс экспедитор ёки мустақил ташкилот (масалан, юк келиб тушган мамлакат савдо-саноат палатаси) вакили бўлиши мумкин. Ҳар қандай ҳолда шартномаларни имзолаётганда келтирилган юнинг қабул қилинишини юк жўнаташибига ишонадиган ва қабул қилиш далолатномасида (бошқа хужжатда) кўрсатилган маълумотларнинг тўғрилигини тасдиқлаб, унга виза қўядиган мустақил шахс назорат қилиши шартини қайд этиш тавсия қилинади.

• Москва вилоятида Истеъмол бозори ва хизматлар вазирлиги тўғрисидаги низом тасдиқланди. Бу ижроия органи ваколатлари жумласида – умумий овқатланиш бўйича савдо ва хизматлар кўрсатиш борасидаги қоидаларга риоя қилиш, истеъмолчилар ҳукуқларини химоя қилиши тўғрисидаги қонун хужжатларининг ижроси устидан назорат қилиш ҳам бор. Вазирлик тарварларнинг сифати ва хавфсизлигига оид назорат синовларини ўтказиш учун сотилаётган маҳсулот ҳақида тўлиқ ва тўғри маълумотнинг мавжудлиги ҳамда унинг сифати ва хавфсизлигини тасдиқловчи хужжатларнинг мавжудлигини текширадилар. Бу тадбирлар ўзини оқлаган: ҳатто Европада нарх ошиши билан бозордаги сотовчиларнинг эскирган товарларнинг маркировасини ўзгартирган ҳолда янгилари кўринишида сотиш учун оммавий уринишлари қайд этилган ва ҳоказо.

• 2008 йилда жойлардаги солиқа оид сайёр текширувларни режалаштиришнинг муҳим жиҳати шундан иборатки, йирик солик тўловчиларни назорат қилишда нафақат уларнинг барча филиаллари, балки ҳамма қарам ва аффилланган ташкилотлари ҳам текширилади. Комплекс текширув режасига зарурат туғилганда, рўйхатдан ўтган жойидан қатби назар унинг контрагентлари ҳам киритилади.

• 2008 йилда жойлардаги солиқа оид сайёр текширувларни режалаштиришнинг муҳим жиҳати шундан иборатки, йирик солик тўловчиларни назорат қилишда нафақат уларнинг барча филиаллари, балки ҳамма қарам ва аффилланган ташкилотлари ҳам текширилади. Комплекс текширув режасига зарурат туғилганда, рўйхатдан ўтган жойидан қатби назар унинг контрагентлари ҳам киритилади.

Хорижий матбуот материалларидан.

НОРМА МАСЛАХАТЧИ

Тушунтиришлар электрон маълумотнома тизими материаллари асосида тайёрланди
КОРХОНАЮРИСТИ
Ахборот-хукукий тизими
Сотиб олиш масалалари бўйича қўйидати
телефонлар орқали Наманганд 3692 32-84-26
Фарғона 3732 26-78-80
Тошкент 99871 237-07-78, 237-45-29
Гулистан 3672 27-58-97
Самарқанд 3662 23-23-73
Андижон 3742 50-25-96
Карши 99875 227-18-11

ЎЗБЕКИСТОН ҚОНЧИЧИЛИГИДАГИ ЎЗГАРИШЛАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ:

• **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИННИГ ҚАРОРЛАРИ:**

- «Об утверждении перечня нового медицинского оборудования, освобождаемого при ввозе от таможенных платежей»;
- «Даромадига ўтказиладиган мол-мулкни олиб қўйиш, сотиш ёки йўқ қилиб ташлаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»;
- «Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»;
- «Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида».

• **ИДОРАВИЙ-МЕЪРИЙ ҲУЖЖАТЛАР:**

- ЎзР Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-куватлаш давлат қўмитасининг «Монополист бирлашмалар (корхоналар) давлат реестрини тузиш ва юритиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қарори;
- ЎзР МББнинг «Ўзбекистон Республикаси банкларида очиладиган банк ҳисобвараклари тўғрисидаги йўриқномага қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори.

• **МЕЪРИЙ-ХУКУКИЙ ҲУЖЖАТЛАРНИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ ҲОЛАТИ ТЎҒРИСИДА 2008 ЙИЛ 19 АПРЕЛДАН 8 МАЙГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ.**

**ПОСТАНОВЛЕНИЕ
КАБИНЕТА МИНИСТРОВ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН
ОБ УТВЕРЖДЕНИИ ПЕРЕЧНЯ НОВОГО
МЕДИЦИНСКОГО ОБОРУДОВАНИЯ, ОСВОБОЖДАЕМОГО
ПРИ ВВОЗЕ ОТ ТАМОЖЕННЫХ ПЛАТЕЖЕЙ**

(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2008 йил, 20-21-сон, 173-модда)

Во исполнение Указа Президента Республики Узбекистан от 19 сентября 2007 года № УП-3923 «Об основных направлениях дальнейшего углубления реформ и реализации Государственной программы развития здравоохранения» Кабинет Министров **постановляет:**

1. Утвердить Перечень нового медицинского оборудования, освобождаемого при ввозе от таможенных платежей в соответствии с пунктом 8 Указа Президента Республики Узбекистан от 19 сентября 2007 года № УП-3923 согласно приложению.

2. Контроль за выполнением настоящего постановления возложить на первого заместителя Премьер-министра Республики Узбекистан Р.С. Азимова и заместителя Премьер-министра Республики Узбекистан Р.С.Касымова.

**Премьер-министр
Республики Узбекистан
Ш.МИРЗИЯЕВ.**

г. Ташкент,
8 мая 2008 г.,
№ 94.

**ПРИЛОЖЕНИЕ
к постановлению КМ РУз
от 8 мая 2008 года N 94**

**ПЕРЕЧЕНЬ
НОВОГО МЕДИЦИНСКОГО ОБОРУДОВАНИЯ,
ОСВОБОЖДАЕМОГО ПРИ ВВОЗЕ ОТ ТАМОЖЕННЫХ ПЛАТЕЖЕЙ**

N	Наименование	Код по ТН ВЭД
1	Холодильное и морозильное оборудование для медицинских целей	8418 21 910 0 8418 21 990 0 8418 30 200 9 8418 30 800 9
2	Весы для взвешивания людей, включая грудных детей	8423 10 900 0
3	Автомобили, предназначенные специально для медицинских целей	8703 21 101 0 8703 22 101 0 8703 23 199 0 8703 24 101 0 8703 31 101 0 8703 32 191 0 8703 33 191 0 8703 90 101 0 8703 90 901 0
4	Фотокамеры, специально предназначенные для медицинского или хирургического обследования внутренних органов	9006 30 000 0
5	Микроскопы для медицинских целей	9011 10 900 0 9011 80 000 0 9012 10 900 0

N	Наименование	Код по ТН ВЭД
6	Лазеры для медицинского назначения	9013 20 000 0
7	Весы лабораторные	9016 00
8	Устройства для механотерапии медицинского назначения	9019
9	Оборудование дыхательное медицинского назначения	9020 00 000 0
10	Кардиостимуляторы	9021 50 000 0
11	Аппаратура, основанная на действии рентгеновского и радиоактивного излучения, предназначенная для медицинского, хирургического применения, включая аппаратуру для рентгенографии или радиотерапии, компьютерной и магнитно-резонансной томографии, а также средства защиты от излучения	9022
12	Запасные части и расходные материалы для медицинского оборудования	9033 00 000 0
13	Мебель медицинская, хирургическая: операционные столы, столы для осмотра, больничные койки с механическими приспособлениями и их части	9402
14	Лампы и осветительное оборудование для медицинских целей	9405 10 210 1 9405 10 280 1 9405 10 300 1 9405 10 500 1 9405 10 910 1 9405 10 980 1 9405 20 110 1 9405 20 190 1 9405 20 300 1 9405 20 500 1 9405 20 910 1 9405 20 990 1 9405 40 310 1 9405 40 350 1 9405 40 390 1 9405 40 910 1 9405 40 950 1 9405 40 990 1 9405 91 900 1 9405 92 000 1 9405 99 000 1

Примечание. Основным критерием оценки принадлежности медицинского оборудования к данному Перечню является наименование и область применения.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИННИГ
ҚАРОРИ

**ДАРОМАДИГА ЎТКАЗИЛАДИГАН МОЛ-МУЛКНИ ОЛИБ ҚЎЙИШ, СОТИШ ёКИ ЙЎҚ
ҚИЛИБ ТАШЛАШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМГА ЎЗГАРТИРИШ ВА
ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ҲАҚИДА**

(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2008 йил, 20-21-сон, 174-модда)

Қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда олиб қўйилган ва давлат даромадига ўтказиладиган мол-мulkни сотиш бўйича савдо ташкилотларини танлаб олиш самародорлигини ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 25 мартағи 140-сон қарори билан тасдиқланган Давлат даромадига ўтказиладиган мол-мulkни олиб қўйиш, сотиш ёки йўқ қилиб ташлаш тартиби тўғрисидаги низомга (Ўзбекистон Республикаси КТ, 2004 й., 3-сон, 35-модда) иловага му-

вофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Боз вазирининг биринчи ўринbosари Р.С.Азимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Боз вазири
Ш.МИРЗИЁЕВ.**

Тошкент ш.,
2008 йил 16 май
97-сон.

Вазирлар Маҳкамасининг
2008 йил 16 майдаги 97-сон қарорига
ИЛОВА

**ДАВЛАТ ДАРОМАДИГА ЎТКАЗИЛАДИГАН МОЛ-МУЛКНИ ОЛИБ ҚЎЙИШ, СОТИШ ёКИ ЙЎҚ ҚИЛИБ
ТАШЛАШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМГА КИРИТИЛАЁТГАН
ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР**

1. 18-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:
«Мол-мulkни сотиш танлов асосида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари қарорига мувофиқ белгиланадиган савдо ташкилотлари томонидан амалга оширилади.

Савдо ташкилотларини белгилашда уларнинг ихтисос-

лашуви, жойлашган жойи ва истеъмолчи учун бориш осон бўлиши (вилоят ва туман (шаҳар) марказлари, бозорлар ва бошқалар), тегишли омборхона биноларининг мавжудлиги, аввалги фаолиятида белгиланган савдо фаолияти қоидаларини бузиш ҳолатларига йўл қўйилмаганлиги ва бошқалар хисобга олинади.

Мол-мulkни сотиш бўйича хизматлар кўрсатиш юзасидан шартномалар ушбу савдо ташкилотлари билан Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаментининг худудий бошқармалари томонидан тузилади.

Мол-мulkни сотиш хизматлари кўрсатиш юзасидан шартноманинг амал қилиш муддатини узайтиришда мазкур шартнома шартларига риоя этиш ва мол-мulkни сотиш тартиби бузилишига йўл қўйилмаганлиги ҳам ҳисобга олинади».

2. 29-бандга қуидаги мазмундаги биринчи хатбоши қўшилсин:

«Захираларни шакллантириш учун зарур бўлган озиқовқат товарлари пулли асосда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари га берилади ҳамда савдо ташкилотларининг ихтисослаштирилган омборхоналарида сақланади (ғамлаб қўйилади). Ушбу товарлар факат Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари қарорига кўра, товарларнинг сақланиш муддатларидан ва бозордаги эҳтиёждан келиб чиқкан ҳолда сотилади».

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИННИГ ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУКУМАТИНИНГ АЙРИМ ҚАРОРЛАРИГА ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА

(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2008 йил, 20-21-сон, 177-модда)

Чакана савдода электрон тижоратни амалга оширишда тўловларни тўлаш тизимини янада такомиллаштириш, электрон тижоратнинг жадал ривожлантирилишини рафбатлантириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қиласди:

1. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг иловага мувофиқ айrim қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С.Азимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири
Ш.МИРЗИЁЕВ.**

Тошкент ш.,
2008 йил 21 май
102-сон.

Вазирлар Маҳкамасининг
2008 йил 21 майдаги 102-сон қарорига
ИЛОВА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУКУМАТИНИНГ АЙРИМ ҚАРОРЛАРИГА КИРИТИЛАЁТГАН ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР

1. Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 26 ноябрдаги 407-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2002 й., 11-сон, 71-модда) билан тасдиқланган Улгуржи ва чакана савдо фаолиятини рўйхатдан ўтказиш ва амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомнинг 1-банди иккинчи хатбoshидagi «шахсларга» сўзидан кейин «шунингдек электрон тижоратга нисбатан» сўзлари қўшилсин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Пластик карточкалар асосида ҳисоб-китоб қилиш тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2004 йил 24 сентябрдаги 445-сон қарорининг (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2004

й., 9-сон, 94-модда) 4-банди қуидаги таҳрирда баён қилинсин:

«4. Белгилаб қўйилсинки, пластик карточкалардан фойдаланиб товарларни сотишда ва хизматлар кўрсатишда ҳўжалик юритувчи субъектлар томонидан бериладиган терминал чеклари, шунингдек қонун ҳужжатларида белгилangan тартибда электрон рақамли имзо билан тасдиқланган электрон тижорат чакана савдо тўловлари тизимларининг транзакциялари («электрон чеклар»)дан кўчирмалар квитанциялар, талонлар, чипталарга ҳамда товарлар ва хизматларга ҳақ тўланганлигини тасдиқловчи уларга тенглаштирилган бошқа ҳужжатларга тенглаштирилади».

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИННИГ ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДВОКАТЛАР ПАЛАТАСИ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2008 йил, 22-23-сон, 201-модда)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида адвокатура институтини янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2008 йил 1 майдаги ПФ-3993-сон Фармонини бажариш юзасидан ҳамда Ўзбекистон Адвокатлар ассоциацияси негизида Ўзбекистон Республикаси барча адвокатларининг мажбурий аъзолигига асосланган Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси ташкил этилиши муносабати билан Вазирлар Маҳкамаси қарор қиласди:

1. Куйидагилар маълумот учун қабул қилинсин:

Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатасининг илова қилинаётган ташкилий тузилмасига мувофиқ Кон-

ференция Палатанинг юкори органи, Бошқарув — ижро этувчи органи, Тафтиш комиссияси эса молиявий назорат органи ҳисобланади;

Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатасининг раиси ва унинг ўринbosарлари Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг тақдимномасига кўра Конференция сайлаган Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси Бошқаруви аъзолари орасидан беш йил муддатга Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси Конференцияси томонидан сайланади;

Қорақалпоғистон Республикасида, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида юридик шахс мақомига эга бўлган, Ўзбеки-

стон Республикаси Адвокатлар палатаси томонидан тасдиқланадиган низомлар асосида фаолият кўрсатадиган Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатасининг худудий бошқармалари ташкил этилади;

Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси худудий бошқармаларининг раҳбарлари (тегишли худудда фаолият кўрсатаётган адвокатлар орасидан) Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатасининг раиси томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод қилинади.

2. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Ўзбекистон Адвокатлар ассоциацияси билан биргаликда икки ой муддатда:

Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатасининг таъсис Конференциясини ўтказсин, унда устав тасдиқлашишини, Бошқарув ва Тафтиш комиссияси шакллантирилишини, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатасининг раиси ва унинг ўринbosарлари сайланишини назарда тутсинг;

Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатасининг белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилишини таъминласин.

3. Куйидагилар:

адвокатларнинг Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси Конференцияси томонидан белгиланадиган миқдордаги кириш ва аъзолик бадаллари;

қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа тушумлар

Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси фаолиятини молиялаштириш манбалари этиб белгилансин.

Кўрсатиб ўтилган маблағлардан факат Палатанинг устивдаги фаолиятини амалга ошириш учун фойдаланилади ҳамда улар Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси аъзолари ўртасида таъсимиланмайди.

4. Тошкент шаҳар ҳокимлиги Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатасининг жойлаштирилишини таъминласин.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгashi, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси худудий бошқармаларининг жойлаштирилишини таъминласинлар.

5. Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатасини зарур алоқа воситалари, шу жумладан Ҳукумат алоқаси воситалари билан таъминласин.


6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринbosари Р.С.Азимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири
Ш.МИРЗИЁЕВ.**

Тошкент ш.,
2008 йил 27 май
112-сон.

Вазирлар Махкамасининг
2008 йил 27 майдаги 112-сон қарорига
ИЛОВА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДВОКАТЛАР ПАЛАТАСИННИГ ТАШКИЛИЙ ТУЗИЛМАСИ



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОНОПОЛИЯДАН ЧИҚАРИШ,
РАҶОБАТ ВА ТАДБИРКОРЛИКНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ДАВЛАТ ҚўМИТАСИННИГ
КАРОРИ

«МОНОПОЛИСТ БИРЛАШМАЛАР (КОРХОНАЛАР) ДАВЛАТ РЕЕСТРИНИ ТУЗИШ ВА ЮРИТИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМНИ ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА»ГИ ҚАРОРГА ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2008 йил
27 майда 1064-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди.

(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2008 йил, 22-23-сон, 205-модда)

Ўзбекистон Республикасининг «Товар бозорларида монополистик фаолиятни чеклаш ва рақобат тўғрисида»ги Қонунига асосан ва Ўзбекистон Республикаси Президенти

*2008 йил 6 июндан кучга киради.

тининг 2005 йил 2 майдаги ПҚ-66-сонли қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси тўғрисидаги низомга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва

тадбиркорликни кўллаб-куватлаш давлат қўмитаси қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг «Монополист бирлашмалар (корхоналар) давлат реестрини тузиш ва юритиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги 2001 йил 21 августдаги 7-сонли қарорига (2001 йил 15 сентябрь, рўйхат рақами 1064) иловага биноан ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия ва-

зирлигига давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

**Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни кўллаб-куватлаш давлат қўмитаси раиси в.б.
Б.УЛАШОВ.**

Тошкент ш.,
2008 йил 25 апрель
7-сон.

**ЎзР Монополиядан чиқариш давлат қўмитасининг
2008 йил 25 апрелдаги 7-сон қарорига
ИЛОВА**

«МОНОПОЛИСТ БИРЛАШМАЛАР (КОРХОНАЛАР) ДАВЛАТ РЕЕСТРИНИ ТУЗИШ ВА ЮРИТИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМНИ ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА»ГИ ҚАРОРГА КИРИТИЛАЁТГАН ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР**

1. Қарорнинг номи ва 1-бандидаги «монополист бирлашмалар (корхоналар)» сўзлари «товар бозорларида устувор мавқега эга бўлган хўжалик юритувчи субъектлар» сўзлари билан алмаштирилсин.

2. Кириш қисмидаги «Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш бўйича давлат қўмитаси тўғрисидаги низомга мувофиқ» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни кўллаб-куватлаш давлат қўмитаси тўғрисидаги низомга мувофиқ» сўзлари билан алмаштирилсин.

3. Низомда:

а) Низомнинг номидаги, кириш қисмидаги ва бутун матн бўйлаб «монополист бирлашмалар (корхоналар)» сўзлари «товар бозорларида устувор мавқега эга бўлган хўжалик юритувчи субъектлар» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 1-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«1. Товар бозорларида устувор мавқега эга бўлган хўжалик юритувчи субъектлар давлат реестри (матн давомида – Реестр) мазкур Низомга 1-иловага мувофиқ шаклда ҳалол рақобат меъёrlаридан четга чиқишиларни бартараф этиш, ўзларининг устувор мавқенини суистеъмол қилишарининг олдини олиш мақсадида товар бозорларида устувор мавқега эга бўлган хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолияти устидан мониторинг ва назоратни амалга ошириш учун юритилади.»;

в) 2-бандда:

иккинчи хатбошисидаги «Монополияга қарши давлат органи» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни кўллаб-куватлаш давлат қўмитаси ёки унинг худудий органлари» сўзлари билан алмаштирилсин;

қўйидаги мазмундаги хатбошилар билан тўлдирилсин:

«Товар бозоридаги устувор мавқе Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни кўллаб-куватлаш давлат қўмитаси ва унинг худудий органлари томонидан белгиланади.

Стандартлаштириш органлари томонидан берилган тегишили ҳужжат мавжуд бўлганда бозорга янги, ўзига ўхшаши бўлмаган ҳамда товар бозорида талабгир бўлган мурайян турдаги товар билан илк бор кириб келган хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳолати уч йил давомида устувор деб тан олинмайди.»;

г) 3, 10, 11 ва 12-бандлардаги «Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш бўйича давлат қўмитаси» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни кўллаб-куватлаш давлат қўмитаси» сўзлари билан алмаштирилсин;

д) 5 ва 6-бандлар қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«5. Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни кўллаб-куватлаш давлат қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни кўллаб-куватлаш қўмитаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни кўллаб-куватлаш худудий бошқармалари хўжалик юритувчи субъектлар ва бошқа ташкилотлардан олинган статистика, мониторинг, ахборот маълумотлари асосида, шунингдек сотиш, етказиб бериш, олиб кириш-олиб чиқиш ва таҳарлар (ишлар, хизматлар) қолдиқлари ҳақида аҳоли орасида сўров ўтказиш усули билан таҳарлар мониторинг ва чегараси доирасида хўжалик юритувчи субъектларнинг тегишили товар бозоридаги устувор мавқенини аниқлайдилар.

Мазкур бандда кўрсатилган маълумотлар мавжуд бўлмаганда ёки зарур бўлганда, Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни кўллаб-куватлаш давлат қўмитаси ва унинг худудий бошқармаларининг сўровига биноан хўжалик юритувчи субъектлар, давлат бошқаруви органлари, жойлардаги давлат ҳокимияти органлари ва бошқа ташкилотлар, уларнинг раҳбарлари, шунингдек мансабдор шахслари товар бозори чегараларини аниқлаш масалалари бўйича ва уни монополист сифатида тан олиш учун зарурӣ ахборотни тақдим этадилар.

6. Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни кўллаб-куватлаш давлат қўмитаси мустақил равишида, шунингдек Қорақалпоғистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни кўллаб-куватлаш қўмитаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни кўллаб-куватлаш худудий бошқармаларининг илтимосномаси бўйича товар бозорларида улар ўтказган тадқиқотларга асосан иккى ёки ундан ортиқ товар бозорларини бирлаштириш (ёки бошқа усул) билан товар мониторинги чегараларини белгилашга ҳақли.»;

е) 9-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«9. Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни кўллаб-куватлаш давлат қўмитаси ёки унинг худудий органлари мазкур Низомнинг 5-бандида кўрсатилган манбалардан олинган маълумотлар, шунингдек 2-бандида белгиланган шартлар асосида ўтказган таҳлил натижалари Реестрга киритиш учун асос бўлиб хизмат қилади.»;

ж) 13-банд қўйидаги мазмундаги «в» ва «г» кичик бандлар билан тўлдирилсин:

«в) уни ишлаб чиқаргани ва сотгани учун хўжалик юритувчи субъект Реестрга киритилган маҳсулотни ишлаб чиқариши ва сотиши тўхтатилганда;

г) хўжалик юритувчи субъектга нисбатан суддан олдинги санация ёки банкротлик таомили қўланилганда.».

*Илова таҳририят томонидан ўзбек тилига ўғирилган. Маълумотнома тусига эга.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БАНКЛАРИДА ОЧИЛАДИГАН БАНК
ҲИСОБВАРАҚЛАРИ ТҮГРИСИДАГИ ЙЎРИҚНОМАГА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ
ҲАҚИДА***

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2008 йил
31 майда 1080-4-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди.

(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2008 йил, 22-23-сон, 216-модда)

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги Қонунининг 7 ва 51-моддаларига асосан Ўзбекистон Республикаси Марказий банк Бошқаруви қарор қиласди:

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2001 йил 6 октябрдаги 25/4-сонли қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси банкларида очиладиган банк ҳисобвараклари тўғрисида»ги йўриқномага (2001 йил 10 ноябрь, рўйхат рақами 1080) иловага муовфик қўшимчалар киритилсинг.

*2008 йил 10 июндан кучга киради.

2. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган вақтдан бошлаб ўн кундан сўнг кучга киради.

3. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш Марказий банк раиси ўринбосари М.Ё.Эшматов зиммасига юклатилсинг.

**Марказий банк Бошқаруви раиси
Ф.МУЛЛАЖОНОВ.**

Тошкент ш.,
2008 йил 17 май
12/1-сон.

ЎзР МБ бошқарувининг 2008 йил 17 майдаги 12/1-сон қарорига
ИЛОВА

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БАНКЛАРИДА ОЧИЛАДИГАН БАНК ҲИСОБВАРАҚЛАРИ
ТҮГРИСИДА ЙЎРИҚНОМАГА КИРИТИЛАДИГАН ҚЎШИМЧАЛАР****

1. Кириш қисми «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонуларига» сўзларидан кейин «Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 20 февралдаги «Тижорат банкларида аҳоли омонатлари шартларини либераллаштириш ҳамда кафолатларини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ПФ-3968-сон Фармонига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 8-9-сон, 35-модда)» сўзлари билан тўлдирилсинг.

2. 14-банд куйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсинг:

«Ваколатли банкларда резидент жисмоний шахсларга аризада, кирим-касса ордерида ҳамда омонат дафтарчасида омонатчининг фамилияси, исми ва отасининг исми кўрсатилмасдан, шунингдек имзо намунаси расмийлаштирилмай тақдим этувчига тўланадиган омонатлар бўйича милий валютадаги ҳисобвараклар очилиши мумкин. Бундай омонат дафтарчасини тақдим қилган шахсга берилади.»

**Илова таҳририят томонидан ўзбек тилига ўғирилган. Маълумотнома туслига эга.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ:
ВАЗИРЛИКЛАР, ДАВЛАТ ҚЎМИТАЛАРИ ВА ИДОРАЛАРИНИНГ УМУМИЙ МАЖБУРИЙ ТУСДАГИ
НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРИНИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ ҲОЛАТИ ТҮГРИСИДА
2008 йил 19 апрелдан 8 майгача бўлган маълумот**

I. ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИЛДИ:

1. «Авиакеросин ёқилғиси учун қатъий микдорда белгиланган акциз солиғи ставкасини қайта кўриб чиқиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2008 йил 17 апрелдаги 38-сонли бўйруги.

2008 йил 21 апрелда 1796-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2008 йил 1 майдан кучга киради).

2. «Ўзбекистон Республикаси Фан ва техника Давлат комитетида олий таълимдан кейинги таълимий тайёр-гарликни (аспирантура ва докторантураси) амалга оширадиган муассасаларнинг аттестация ишларини киритиш ва кўриб чиқиш ҳамда уларни давлат аккредитациясидан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш кўмитаси раисининг 2008 йил 16 апрелдаги 15-сонли бўйруги.

2008 йил 21 апрелда 152-1-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2008 йил 1 майдан кучга киради).

3. «Стандартлаштириш, метрология соҳасидаги қонун бузилишлари учун жарималар ундириш тартиби тўғрисидаги низомни ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида»

Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги бош директорининг 2008 йил 11 апрелдаги 137-сонли бўйруги.

2008 йил 21 апрелда 112-1-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2008 йил 1 майдан кучга киради).

4. «Кичик ва ўрта корхоналарнинг иқтисодий начорлиги белгиларини аниқлаш тартибини ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-куватлаш давлат қўмитасининг 2008 йил 14 апрелдаги 6-сонли қарори.

2008 йил 21 апрелда 829-1-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2008 йил 1 майдан кучга киради).

5. «Ўзбекистон Республикаси давлат ташкилотларида электрон маълумотлар базасини яратиш ва фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомни ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш кўмитаси раисининг 2008 йил 16 апрелдаги 16-сонли бўйруги.

2008 йил 21 апрелда 190-1-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2008 йил 1 майдан кучга киради).

ўтказилди (2008 йил 1 майдан кучга киради).

6. «Суднинг ҳал қилув қарорига асосан никоҳ бекор қилиниши бўйича ҳисобот варакасини тўлдириш тўғрисида йўриқномани ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика кўмитаси, Адлия вазирлигининг 2008 йил 14 апрелдаги 2, 20-26-6-сонли қарори.

2008 йил 21 апрелда 961-1-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2008 йил 1 майдан кучга киради).

7. «Божхона транзит режими тўғрисида низомга қўшимчалар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона кўмитасининг 2008 йил 10 апрелдаги 01-02-12-32-сонли қарори.

2008 йил 21 апрелда 577-2-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2008 йил 1 майдан кучга киради).

8. «Ўзбекистон Республикасининг божхона чегараси орқали жисмоний шахслар томонидан олиб ўтиладиган товарларнинг мақсадини аниқлаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона кўмитаси, Молия вазирлиги ва Давлат солиқ кўмитасининг 2008 йил 7 апрелдаги 01-02-8-19, 31, 2008-17-сонли қарори.

2008 йил 22 апрелда 1147-2-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2008 йил 2 майдан кучга киради).

9. «Трансйўлқурилиш» компанияси бажарган механизациялашган ишлар учун пудратчи ташкилотлар томонидан тўловларни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат архитектура ва курилиш кўмитаси ва «Ўзавтойўл» Давлат акциядорлик компанияси-нинг 2008 йил 4 апрелдаги 33, 5, 1-мҳ-сонли қарори.

2008 йил 22 апрелда 1797-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2008 йил 2 майдан кучга киради).

10. «Мулкчилик шаклларидан қатъи назар корхоналар, муассасалар, ташкилотларнинг доимий ҳаракатдаги Эксперт комиссияси (ЭК) тўғрисидаги намунавий низомга ўзгартириш киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги «Ўзархив» агентлиги бош директорининг 2008 йил 9 апрелдаги 9-сонли буйруғи.

